



Жалолиддин Мангубердининг манглайига, минг афсуски, Ануштегинийлар сулоласининг сўнгги вакили бўлиш кисмати битилган экан. У умрини мўгул боскинчиларига қарши курашга бағишлаб, 1221 йилдан 1231 йилгача Хуросон, Эрон, Ирок, Озарбойжон, Грузия, Афғонистон, Шимолий Хиндистон, Кирмон ҳудудларида жангу жадал ичра яшар экан, не ажабки, баъзида энг яқинларидан ҳам панд еди.

Султон Жалолиддин 1227 йили Исфохон шаркида, ярим кунлик йўлда ас-Син деган қишлоқда мўгулларнинг 150 мингдан ортиқ қўшинига қарши 100 мингдан зиёд лашқар билан жанг қилади. Шихобиддин Муҳаммад Насавий муҳорабани шундай тасвирлаган:

“Султон жанг учун белгиланган кунда қўшинини сафлантирди. Унинг қўшин маркази зулматли тундай қоп-қора эди. Ўнг қаноти тоғдан тушаётган сув каби шиддатли, чап қаноти эса қулранг отлар минган лашқар билан тўлиб-тошганди. Қилич ва найзаларга тушган қуёш нури яраклаб қўзга ташланарди. Иккала томон ҳам бир-бирига юзма-юз келган пайтда Гиёсиддин Султон қўшинлари сафини тарқ этди. У ўзи билан бирга лашқарини ва Жаҳон Пахлавон Элчи бошчилигидаги қўшиннинг бир қисмини ҳам олиб кетди. Султон ҳаддан ташқари бандлигидан, ўзининг изидан қувиш ва таъқиб этиш имконияти йўқлигидан қўйдаланиб қочди. Гиёсиддин ушбу ҳатти-ҳаракати билан икки дунёда юзи қаро бўлди. Буларнинг ҳаммаси ўша пайтда улар ўртасида Нусратиддин ўлими туфайли юзага келган низо сабабли бўй берди”.

Гиёсиддин Пиршоҳ ва унинг лашқари Жаҳон Пахлавон Элчи билан бирга Исфохон яқинидаги жанг олдидан Жалолиддин қўшинини тарқ этиб қочғач, Форс кўрфазига яқин нуқтада жойлашган Ҳузистон томон йўл олади. У вазири Қарим аш-Шарқни Бағдод халифасига элчи қилиб жўнатади. Ўзининг Форс Ироғида ҳукмдор бўлиб турган пайтда Олий девонга қарашли мулклар эгалари билан яхши қўшничилик муносабатида бўлгани, тақикланган ишларни қилмагани, ўзаро ҳурмат-иззатни сақлагани, ақаси Хиндистондан қайтиб келгач, одатдаги аҳвол барҳам топгани, унинг халифалик мулкларига ҳужум уюштиргани, натижада ўртада зиддиятлар юзага келганини билдирди. Агар халифалик ақаси ўзидан тортиб олган ерларни қайтариб олишда, мамлакатни қайтадан қўлга

киритишда ёрдам берса, содик кул каби хизмат килишга тайёрлигини етказди.

Элчи хурсанд холда кайтиб келади. Халифа кўплаб ваъдалар берган, ҳукмдорлик тахтини кайта эгаллашида ёрдамани аямаслигини билдирган ва 30 минг динарни хайрия сифатида юборган эди. Бу даврга келиб халифалик тахтини, 1225 йили вафот этган Носирнинг ўрнини укаси Зоҳир эгаллаган, у ҳам ўзидан олдингиларнинг анъанасини давом килдириб, Хоразмшоҳ Жалолиддинга қаршиман деган ҳар қандай одамга ёрдам берарди. Айниқса, Гиёсиддиннинг Жалолиддинга қарши чиқиши халифани нихоятда қувонтирган эди.

Мўғулларнинг Форс Ироғи ва Хуросонни қўлга киритолмай, Исфahондан кайтиб кетиши, Жалолиддиннинг яна қайтадан пайдо бўлиши Гиёсиддинни жиддий ташвишга солади. Ҳузистондан Аламутга йўл олади. Бирок бу ерда ҳам кўп туролмайди. Султон жангдан кейин мўғулларни таъқиб қилиб Ройга қадар келади. Лашқарини Рой ва Абхаз чегараларига қадар юборади. Натижада Аламут ҳамма томондан Жалолиддин лашқарлари билан ўралади. Бундан Гиёсиддиннинг ахволи янада огирлашади.

Аламут ҳукмдори Оловуддин Мухаммад III Султон ҳузурига элчи юбориб, Гиёсиддинга омонлик беришни, уни яна ўз хизматига олишни илтимос қилади. Жалолиддин бу таклифга кўнади. Аламут элчиси ёнига мулклар мушриф Тоҳулмулк Нажибиддин Ёқуб ал-Хоразмий ва таштдор Жалолиддин Фарруҳни элчи сифатида қўшиб юборади. Улар Гиёсиддинни Султон ёнига олиб келиши ва Оловуддин Мухаммад III га ўртадаги яраш муносабатига ҳисса қўшгани учун миннатдорлик билдириши керак эди.

Бу воқеани тарихчи ибн ал-Асир бошқачарок тарзда ёзади. “Жалолиддин Гиёсиддиннинг Аламутга, исмоилийлар ҳузурига қочганини билганидан кейин улардан укасини беришни талаб этади. Акс холда, ҳужум қилиш ниятини билдириб нома юборади. Исмоилийлар ҳукмдори Оловуддин унга жавобан “Уканг бизларнинг ёнимиздан паноҳ топган. У ҳам султон ва султоннинг ўғли. Бизлар уни сенга беролмаймиз. Ўз ёнимизда олиб қоламиз. Сенинг қўл остингдаги мулклардан бирига ҳам юборолмаймиз. Биз сенинг унга меҳр-окибатлироқ бўлишингни илтимос қиламиз ва бу ҳусусда ваъда беришингни қутамиз”, деган жавоб йўллайди. Жалолиддин уларнинг талабига кўнади”.

Ибн ал-Асирдан кўра Шихобиддин Мухаммад Насавийнинг маълумотларини асосли дейиш мумкин. Чунки Аламут ҳукмдори Жалолиддинга тобелардан бири ҳисобланади. Султонга йилига маълум миқдорда пул тўлаш ҳисобига давлатни бошқаради. Шу боис унинг Жалолиддин талабига рад жавобини бериши ҳақиқатдан йироқ.

Элчилар Оловуддин ҳузурига келганда Гиёсиддин Султон ёнига қайтишдан воз кечади. У бундан кўра мамлакатлар бўйлаб мақсадсиз кезиб юрганим хавфсизроқ деб ўйлайди. Аламут ҳукмдоридан ўзи ва юқларини ташиб кетиш учун от топиб беришда ёрдам сўрайди. Оловуддин унга 400 бош от ҳадя қилади. Улар Аламутдан чикканидан кейин Султоннинг бу шаҳар яқинида жойлашган силаҳдор Таваший Жаба бошчилигидаги қўшин бўлинмаси ҳужум қилади. Жаҳон Пахлавон Элчи бошчилигидаги лашқар уларни асир тушишдан саклаб қолади. Гиёсиддин қочиб Кирмонга, ўзининг ноиби Барок хожиб ҳузурига йўл олади. Собик ноибим менга хурмат-иззат кўрсатар, деб умид қилади.

Барок уни чўлда, Абаркўх якинида 4 минг лашкари билан кутиб олади. Кирмонга киришда ноиб шахзоданинг онасига уйланиш фикрини билдиради. Гиёсиддинни “азиз ўғлим” деб атайди. Она ва боланинг кескин каршилигига карамай, уларнинг ахволи огирлигидан фойдаланиб маликага уйланади. Орадан бир муддат ўтганидан сўнг уларни ўзига суикасд уюштиришда айблайди. Барок Гиёсиддиннинг онасини, у билан бирга вазир Карим аш-Шаркни, Жахон Пахлавон Элчини катл қилдиради. Шахзоданинг ўзини эса қалъалардан биридаги зиндонга ташлайди.

Гиёсиддиннинг сўнгги кунлари ҳақида ҳар хил маълумотлар мавжуд. Баъзи муаррихлар уни Барок ўлдиртирган деса, айримлари асирликдан қутулиб Исфahонга борганда Султон буйруғига кўра катл этилган, деб ёзади. Аслида эса Барок хожиб Гиёсиддиннинг бошини кесдириб, уни “Сизнинг икки душманингиз бор эди – Жалолиддин ва Гиёсиддин. Улардан бирининг қалласини сизга жўнатдим”, деган нома билан мўғул ҳукмдори Ўқтойга (1227 йили Чингизхон вафот этганидан кейин ўғли тахтга ўтирганди) юборади. Бу ҳам Барок хожибнинг хиёнаткорлардан бири сифатида мўғуллардан паноҳ излаганини кўрсатади.

Барок хожиб Ирок ноиби Шарафиддинга йўллаган мактубида ҳам Гиёсиддинни ўлдиртиргани тўғрисида сўз юритади. Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавий бу мактубни Жалолиддин ҳам, кейинчалик ўзи ҳам ўқиганини эътироф этади. Муаррих Ибн ал-Фуватий Гиёсиддин Барок хожиб фармонида мувофиқ унинг қули Ботирқуш томонидан бўғиб ўлдирилган, деган маълумотни беради. Жалолиддин Хоразмшоҳнинг сўнгги укаси Гиёсиддиннинг ҳаёти шу тариқа поёнига етади.

Камол МАТЁКУБОВ